

# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



## “NAVOIY” ROMANIDA QAHRAMON XARAKTERI TASVIRI

**Kuchkarova Kurban Japparxonova**

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent  
davlat o’zbek tili va adabiyoti universiteti  
2-bosqich magistranti

**Annotatsiya:** Maqolada Oybek ijodida Navoiy timsolining yaratilish jarayonlari, “Navoiy” romanida mutafakkir shoир va olim, davlat arbobi Alisher Navoiy siymosi, xarakter qirralari mafkuraviy taziyqlar adabiy siyosatga aylangan davrda qahramon xarakteri tasvirida ijodkor tutgan usul masalalari tadqiq etilgan.

**Kalit so’zlar:** ulug’ mutafakkir, gumanist shoир, xarakter, mafkuraviy taziyq, sxematizm, retrospektiv, ritm qism.

Адабиётимиз тарихининг барча даврларида Алишер Навоий образини яратишга эътибор кучли бўлган. Натижада турли жанрдаги асарларда улуғ мутафаккир бадиий тасвирланган. Ойбекнинг “Навоий” [3] романи ўзбек романчилигига ўзига хос ўрин тутади.

Ойбек “Навоий” романини яратиш учун узоқ йиллар ижодий иш олиб борди. У кўпгина шеърларида Навоий образини гавдалантиради. Шоир ўз шеърларида беш аср олдин халқ дарди, хақиқат ва ишқни куйлаган, ёруғ қунлар умиди билан яшаган шоирни улуғлайди (“Ҳайкал олдида”). Ойбекнинг “Навоий” достонида эса Навоий кўнглидаги буюк орзулар, тафаккурини банд этган ўйлар, шахсиятига хос илиқ самимият, нозик завқ, улуғвор сиймосига хос руҳий нағислик ва мағрурлик ўз ифодасини топади.

“Навоий” романида улуғ гуманист шоирнинг таржимаи ҳоли батафсил ёритилгандай туюлади. Чиндан ҳам романда 1469 - йилнинг кўкламидан 1501 - йилнинг январигача бўлган ўттиз икки йиллик воқеалар қаламга олинган. Навоий қизғин маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолиятда тасвирланади. Мутафаккир шоир ва олим сифатида ўз ички имкониятларидан унумли фойдаланади. Давлат ва идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айrim ислохатлар ўтказиш йўлида жон куйдиради. Низо ва довлатларни бартараф этишга уринади. Жаҳолат исканжасидаги юрт пешволарининг қилмишларидан ранж-алам, изтироб чекади. Роман Навоий фикрларининг яшовчилигига даъват этувчи оптимистик якунга эга.

Шубҳасиз, Навоий улуғворлик ва мардоналикни ўзида мужассамлаштирган нодир шахс. Бироқ бу ҳол уни ўз ғазабини босолмай қоладиган жангари ва жайдари одам сифатида тушунишга асос бўла олмайди.

# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



Ўз сұхбатдошлари устидан кинояли ва зардали қулиб: “аңдарнағс”, “дарранда”, “газанда”, “бүрілар”, “итлар”, “чиркин махлуктар”, “иғлос пашишалар” деб ошкора қайириб ташловчи, “жоғайларнинг қўлларини кесмоқ зарур” дегувчи курашчига айланади. У ўз оқилона фикри билан воқеалар оқимини осонгина изга солиб юбораверади. Султон Ҳусайн гўё унинг етovidагина ҳаракат қилувчи, базм ва майхўрликка берилган, мустақил фикрдан маҳрум кишидек таасурот уйғотади. Навоийнинг бу қадар кескирлиги олдида Мажидиддин ва унинг тарафдорлари қўркувдан титраб, тиллари каломга келмай қолади. Бундай схематизм таъсирида Навоий шахсиятидаги мутасаввуф шоирлик ва шайхликка ҳос босиклик, вазминлик ўрнини таҳдид ва сиёsat, хақорат ва дағдаға эгаллади. Шоирнинг бу қадар ишбилармон ва соҳибтадбир кишига айланиши ҳам реал мантиққа бир қадар мувофиқ эмасдек туюлади. Бундай ўринларда шўро адабиётининг меҳнат кишисини улуғлашга мойиллиги таъсири кўзга ташланади.

“Навоий” романи мафкуравий тазийклар адабий сиёsatта айланган даврда яратилган асардир. Бинобарин, Ойбек ўзи тиламаган ҳолда шоҳни “қоплон”га унинг атрофидаги амалдорларни “ит”га қиёслашга мажбур эди. Агар жиддий эътибор берилса, романнинг аксарият қаҳрамонлари улуғ бир тахлика ва қўркув салтанатининг залвори остида ҳаракат қиласидилар. Арслонқулдан Дилдорга хабар келтирган фолбин кампир атрофга аланглаб секингина сўзлайди. Ҳаяжонини босолмаган Дилдорни: “Хой, секин гапир!... Жинни бўлдингми? Кердасан?” - дея огоҳлантирас экан, даричани ёпиб қўйиб, шивирлаган ҳолда сўзлайди. Ҳатто ваҳимага тушиб, зинҳор бировга оғиз очма, - дея таъкидлайди. Дилдорнинг: “Хат бермадими сизга?” - деган сўровга: “Тил зиндонга судрайди, хат дорга элтади, болам!” - дея бир қадар ўқиниш ва жафони бўйнига олган кишига ҳос вазминлик билан жавоб беради. [3. 228]

Дархақиқат, Ойбек қалбидаги пўртанаалар роман матнига кўчмаслиги мумкин эмас. Зеро ижодкорнинг мудом уйғоқ қалби олам ҳодисаларини идрок ва ҳис этади. XV аср воқеа-ҳодисаларини бадиий умумлаштиришда адаб қалбida мусиқий бир оҳанг оқсанки, Ойбек томонидан ҳис этилган бу ҳолат романга ўзига ҳос ички ҳарорат бағишлайди. Китобхон романда гоҳ баландлаб, гоҳ пастлаб жўшқин ва сокин оҳангларда таракалаётган ҳазин куйни ҳис этади. Навоийга ҳос улугворлик ва мағурурлик, қудрат, ирода, матонат рухи унда мамнунлик ва ифтихор ҳиссини уйғотади.

Романда ҳаёт синовларини матонат билан енгиб ўзлигини англаған қаҳрамонлар ҳолати жонли тасвириланади. Улар орасида Навоий характер

# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



сифатида ўз эркинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ақидаларида сабит, истиқболга комил ишонч билан боқувчи қудратли руҳ кишисининг эзгулик йўлидаги ҳаракатлари китобхон қалбига далда берибгина қолмай, яратувчанлик ва ижодкорлик руҳини ҳам тугдиради. Романдаги ритм қисмлар узвийлигини таъминлайди.

Ёзувчи романда содир бўлаётган жараёнларнинг манбаларини қўрсатиш орқали қаҳрамон ҳарактерининг шаклланиши сабабларини очишга муваффақ бўлади. Аксарият образларнинг интилиш ва кечинмалар оламини ишонарли таҳлил қиласиди. Бошқачароқ айғанда, сюжет қуришнинг ретроспектив усулидан имкон қадар фойдаланишга уринади. Қаҳрамон ички дунёсини тафтиш қилишда уларнинг ўй-хаёллари, изтироб ва кечинмалари, ўз қилмишларини таҳлилдан ўтказишларидан фойдаланган ҳолда борлиқни кенг кўламда тасвирилаш имконига эга бўлади.

Кўринадики, Ойбек “Навоий” романидаги улуғ мутафаккир ҳарактерининг ўзига хос жиҳатларини маҳорат билан тасвиirlай олган. Ёзувчи улуғ Навоийни марҳаматли ва талабчан устоз, маданият-маърифат ва ободончилик ишларининг раҳнамоси, диёнат ва адолат ҳимоячиси, мамлакат ва халқ осойишталигининг посбони сифатида жонлантира олган.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Миллатни уйғотган адаб. – Тошкент, “Университет”, 2005.
2. Назаров Б. Бу сеҳрли дунё. – Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980.
3. Ойбек. Навоий. Роман. – Тошкент, Ўқитувчи, 1985.
4. Сабриддинов А. Ойбекнинг шеърий маҳорати. – Тошкент, Фан, 2006.
5. Улуғбек Ҳамдам. Бадиий тафаккур тадрижи. Монография ва мақолалар. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2002.
6. Якубов И. Ўзбек романни тадрижи. – Тошкент, Фан ва технология, 2006.